



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА “ИЖТИМОЙ ПРОФИЛАКТИКА” ТУШУНЧАСИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТИЗИМИ

Боборахимов Абдор Бахрамович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси

ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11095781>

ARTICLE INFO

Received: 24th April 2024

Accepted: 25th April 2024

Published: 30th April 2024

KEYWORDS

ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси, ижтимоий
профилактика,
профилактика инспектори,
маҳаллабай ва фуқаробай
ишлаш, ижтимоий
профилактика субъектлари
ва объектлари, маҳалла ҳуқуқ
тартибот маскани, “Темир
дафтар”, “Аёллар дафтари”
ҳамда “Ёшлар дафтари”.

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Бугунги кунда ички ишлар идоралари тизимида фаолият юритаётган шахсий таркибнинг энг асосий қисмини профилактика хизмати ташкил этиб, мамлакатимизда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишдаги ҳиссаси беқиёсдир.

Муҳтарам Президентимиз томонидан 2023-йилнинг 20-январидан Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қуйидаги мазмундаги Қарорни имзолади:

ABSTRACT


Мақолада сўнги йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматида амалга оширилган энг сўнги янгиликлар, ислоҳотлар ҳамда уларнинг истиқболлари ёритиб ўтилган бўлиб унда профилактика инспекторлари фаолиятини ташкиллаштириш маҳаллада фуқаролар тинчлигини ва жамоат тартибини сақлаш, маҳаллабай ва фуқаробай ишлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қилинган ишлар кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш, маҳаллаларда ва умуман юртимизда қонун устуворлиги, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш мақсадида “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”.¹

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Ижтимоий профилактика – ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини манзилли ҳал этишга қаратилган яқка тартибдаги ташкилий, ҳуқуқий, психологик, тиббий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш чоралари мажмуидир.

Ижтимоий профилактикани амалга оширувчи субъектлар:²



Ижтимоий профилактика объектлари (ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар)га қуйидагилар киради:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-10-сон қарор www.lex.uz.

² Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил “30”мартдаги 10/3/05-сонли қўшма қарори

бандлиги таъминланмаган ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган меҳнатга лаёқатли шахслар;

низоли оила аъзолари;

ўзаро келишмовчилиги ёки ҳал этилмаган қарздорлиги мавжуд шахслар;

алкоголь маҳсулотлари ва психоактив моддаларга қарам бўлиб қолган шахслар;

қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларга ружу қўйган шахслар;

ғайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган хотин-қизлар;

фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ғайриижтимоий хулқ-атворли ота-оналар;

тиланчилик билан шуғулланувчи шахслар;

ота-онаси узоқ муддатга хорижий давлатларга кетган вояга етмаганлар;

турмушидан ажрашиб, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолган аёллар;

мунтазам тазйиқ ва зўравонликка учраб келаётган шахслар;

боқувчиси ва қаровчиси бўлмаган 60 ёшдан ошган эркаклар ва 55 ёшдан ошган аёллар;

бошпанасиз, оғир турмуш шароитига тушиб қолган шахслар.

“Маҳаллабай” ва “Оилабай” ҳамда “Фуқаробай” ишлаш тартибини жорий этилиши мамлакатимиз аҳолисининг орзу умидлари ва келажакка ишончини ўзида акс эттиради.

Юртимизнинг стратегик ривожланишида “Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш”, “Бешта муҳим ташаббус - маҳаллаларда”, “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари”, “Обод ва хавфсиз маҳалла”, “Соғлом оила — соғлом жамият”, оилада гендер тенглик, Учинчи ренессанс ғоялари умумхалқ ҳаракати сифатида эътироф этилмоқда. Шунингдек, ҳудудлардаги ижтимоий кўмак, камбағалликни олдини олиш, бандликни таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишларини “Фуқаробай” ташкил қилиш усуллари давлат ва жамият мақсадларини ўзаро бирлаштиради, уларнинг узвийлашуви ҳамда яхлитлашувига хизмат қилади.

Мазкур “Фуқаробай” ишлаш янги тизим бўлиб фуқароларни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва руҳий-психологик қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Улар манфаатларини муҳофаза қилиш, эҳтиёжларини рўёбга чиқариш учун уларга имкониятлар яратиш, ҳудудларда ўз-ўзини банд қилиш фаолиятини кенг йўлга қўйиш, уларнинг касбий малакаларини ўстириш, муаммоларини белгилаш ва маркерлаш асосида қийинчиликларни бартараф этиш йўл хариталари ишлаб чиқиш, ижтимоий фаолликни таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбир бўлди. “Маҳаллабай” ва “Оилабай” ҳамда “Фуқаробай” ишлаш механизми фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлат

сиёсатини амалга оширишда ўз андозасига эга бўлиб халқ манфаатларини таъминлашнинг самарали тизими сифатида вужудга келди.³

Амалга оширилаётган мазкур янгилик аёллар ва ёшлар, руҳий касаллар муқаддам судланганларнинг жамият ҳаётига алоқадорлигини, уларнинг ижтимоийлашуви ва фаоллашувини, уларнинг янги Ўзбекистон қурилишига даҳлдор эканлигини, мазкур ижтимоий қатламлар вакилларининг давлат сиёсатидан манфаатдорлигини таъминлайди.

➤ **“Фуқаробай”** тизимини жорий этиш орқали барча аҳолини меҳнат қилиш ва ўз малакасини ошириш иштиёқи бор бўлган фуқароларни жадаллаштирилган таълим тизимлари орқали бозорбоп касб ва ҳунарларга ўқитиш, сертификатлар билан таъминлаш ишига асос солинади. Уларнинг касбий малакаларини, турли касб-кор ва ҳунарлар бўйича маҳоратларини ўстириш, дунё миқёсида талаб юқори бўлган ва рақобатбардош касбий компетенцияларни аҳоли ўртасида ривожлантириш, ишсиз аёллар ва ёшларни тадбиркорликка, хусусан, оилавий тадбиркорликка, ўз-ўзини банд қилиш ишларига кенг жалб этиш, маҳаллада юритилган дафтарга киритилган фуқаролар ичидан янги мулкдорлар қатламини шакллантириш кабилар мазкур дафтарларнинг мақсадларидан бири ҳисобланади.

➤ **“Маҳаллабай”** ишлар тизимида маҳаллада истиқомат қилувчи фуқароларнинг турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатувчи мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш фаолияти. Масалан, маҳалла аҳолисини ичимлик суви, газ, электр токи билан таъминлашдаги камчиликлар, маҳалладаги йўл қурилиши инфратузилмасидаги носозликлар, аҳолига маиший-хизмат кўрсатишнинг етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқалар.

➤ **“Оилабай”** ишлаш тизимида оилалардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш фаолияти. Бу муаммолар бир оила бўлиб яшовчи унинг аъзолари турмуш тарзига бир хил салбий таъсир кўрсатиб, улар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ёмонлашишига сабаб бўлади ва мустаҳкамлигига путур етказди. Бу жараёнда оила аъзоларининг турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар, жумладан, оила аъзоларининг уй-жойга муҳтожлигини инобатга олиб ер ажратиш, имтиёзли кредитлар асосида уй олишларига амалий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

➤ **“Фуқаробай”** ишлаш тизимида фуқароларнинг айнан ўзига тааллуқли муаммоларни ҳал этишларида амалий ёрдам кўрсатиш фаолиятидир. Масалан, фуқаролар, шу жумладан уюлмаган ёшларни ўқиш ва ишга жойлаштириш, касбга ўргатишга йўналтириш, ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа тайинлаш ва ногиронлик аравасини олишларида амалий ёрдам кўрсатиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга йўналтириш, бунда уларга имтиёзли кредитлар олишларида ёрдамлашиш ва бошқалар.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, бугунги кунда ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва ҳар бир ички ишлар ходими халқ

³ Боборахимов А.Б. Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида самарали ташкил этиш механизмлари//Интернетда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва киберхавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциялари тўплами – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. 110-114 б

манфаатлари йўлида хизмат қилиши энг олий бурч ҳисобланади. Шундай экан профилактика инспекторлари ўз ҳудудини жинойтдан ҳоли масканга айлантирса ва турли қатламдаги шахслар билан ижтимоий профилактика чора-тадбирларини амалга оширса, кўзланган мақсадга эришилади ва аҳолининг бандлиги таъминланади. Бу эса ўз ўрнида жинойт ёки ҳуқуқбузарлик содир этилишини анча камайтиради ва ўз ижобий самарасини беради. Янги Ўзбекистон шароитида ички ишлар органлари ходимлари, айниқса, халққа энг яқин бўлган профилактика инспекторлари олдида муҳим вазифалар турибди. Бу вазифаларни самарали бажариш эса улардан касбий маҳорат, бой тажрибадан ташқари чуқур ҳуқуқий билимни ҳам талаб этади. Президентнинг юқорида тилга олинган фармон ва қарорлари ана шу эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Қолаверса, ҳар томонлама билимли профилактика инспекторларигина давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, маҳалланинг ички ишлар органларидаги ҳақиқий вакили бўла олади.⁴

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарор www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил “30” мартдаги 10/3/05-сонли қўшма қарори
3. Боборахимов А.Б. Ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини “Хавфсиз маҳалла” тамойили асосида самарали ташкил этиш механизмлари//Интернетда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва киберхавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциялари тўплами – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. 110-114 б
4. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. <https://uza.uz/posts/523491>

⁴ Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. <https://uza.uz/posts/523491>